

ПСИХОАНАЛИЗ АСОСЛАРИ



ПСИХОАНАЛИЗ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус
таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари
учун ўқув қуланма сифатида тавсия этган*

Тузувчи-муаллиф: **М.Отажонов**

Илмий муҳаррир: психология фанлари доктори,
профессор **Ғ. Шоумаров**

Тақризчи: психология фанлари номзоди **К. Раҳимова**

Қўлланма ҳозирги даврда психолог мутахассислар тайёрлаш талаблари асосида ёзилган. Унда Зигмунд Фрейднинг психоаналитик назарияси асосида шахс муаммолари, унинг ички зиддиятлари, бу зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф қилиш усуллари буйича чет мамлакатлардаги илғор психоаналитик мактаблар тажрибалари умумлаштирилган. Психоанализдаги мавжуд назария ва методларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган.



П $\frac{0303010000 - 44}{М(351)04 - 2004}$ 2004

ISBN 540-03097-6

Дунё тан олган куп улуг файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?

Ислом Каримов

КИРИШ

ШАХС НАЗАРИЯСИДА ПСИХОДИНАМИК ЙЎНАЛИШ

XIX асрнинг иккинчи ярмида психология фалсафадан ажралиб чиқиб, мустақил фанга айлангач, унинг асосий мақсади лаборатория шароитида интроспекция (узини узи кузатиш) усули ёрдамида катта ёшдаги одам психик ҳаётининг асосий элементларини очишдан иборат бўлиб қолди. Кейинчалик психологияда структуравий мактаб деб ном олган бу йўналишга 1879 йили Лейпцигда биринчи психологик лаборатория ташкил қилган Вильгельм Вундт асос солганди. Вундт психологиянинг асосий вазифаси сифатида онг жараёнини қисмларга ажратиш ва улар уртасидаги қонуният боғланишларини урганишни таклиф қилди. Шунинг учун веналик ёш врач Зигмунд Фрейд томонидан ҳеч кимнинг ёрдамисиз ишлаб чиқилган одамларни урганишнинг бутунлай янги ёндашуви пайдо бўлганда уша даврнинг психологлари қарахт ҳолатга тушиб қолишди. Одам психик ҳаётининг марказига онгни қуйиш урнига Фрейд уни озгина қисми сувнинг тепасига чиқиб турган айсбергга қийслади. Шу давргача ҳукмронлик қилиб келган одамга уз ҳулқини англай оладиган ақлли мавжудот сифатида қарашларга зид равишда у бошқача назарияни таклиф қилди: одамлар доимий зиддият ҳолатида бўлишади ва бу зиддиятларнинг сабаби бутунлай бошқа, психик ҳаётнинг янада кенгроқ соҳаси бўлган — англомай-диган жинсий ва агрессив майллардир.

Фрейд биринчи булиб психикани ҳеч қачон узаро келиш олмайдиган инстинкт, мулоҳаза ва онг кучлари уртасидаги жанг майдони сифатида тақдим қилди. «Психодинамик» атамаси айнан ана шу шахснинг турли қисмлари уртасидаги доимий курашга ишора қилади. Психоаналитик назария психодинамик ёндашувнинг куриниши сифатида хизмат қилиб, инсон хулқини бошқаришда ҳушдоронлик учун узаро рақобат қиладиган ёки курашадиган инстинктлар, мотивлар (фаолиятга ундовчи сабаблар) ва майлларнинг мураккаб узаро ҳаракатларига асосий эътиборни қаратди. Асосан Фрейд талқинидаги, шахс ҳеч қачон тухтамайдиган, узаро зиддиятда буладиган жараёнларнинг ушиб борувчи мураккаб қурилмасидан иборат, деган тасаввурда психодинамик ёндашувнинг моҳияти ифодаланган. Шахсга нисбатан қулланиладиган динамика тушунчаси инсоннинг хулқи тасодифий ёки бебош булмай, балки детерминлашган, яъни сабабий боғланган деган маънони англатади. Психодинамик йуналишда детерминизм биз бажараётган, ҳис қиляётган ёки уйлаётган, ҳатто айрим одамлар бутунлай тасодиф деб уйлайдиган ҳодисаларга ҳам, шунингдек билмай гапириб юбориш, билмай хато ёзиб қуйиш ва шунга ухшаш барча ҳолатларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Бу тасаввур бизни психодинамик йуналиш тақдим қиладиган энг асосий ва ҳал қилувчи мавзуга олиб келади, яъни айнан шу тасаввур инсон хулқини бошқаришда онгсиз психик жараёнларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Фрейднинг фикрича, фақат қилиқларимизгина аксарият ҳолларда иррационал (мантиқ қоидаларига зид) булмай, бизнинг хулқимизнинг аҳамияти ва сабаблари ҳам камдан-кам ҳолларда англаб булади.

Фрейд таълимотини тан олмай туриб замонавий шахс назарияларини объектив баҳолаб булмайди. Унинг у ёки бу (ёки ҳамма) ғоялари тан олинishi ёки тан олинмаслигидан қатъи назар, Фрейднинг XX аср Ғарб цивилизациясига курсатган чуқур ва мустаҳкам таъсирини инкор этиб булмайди. Шунини таъкидлаш жоизки, инсониятнинг бутун тарихи давомида камдан-кам ғоялар шунчалик кенг ва кучли таъсир кучига эга булган. Унинг инсон табиатига узига хос қарашлари ўша даврда ҳукмрон булган тасав-